E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ҲУДУДЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Юлдашева Умида Садуллаевна,
Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги
Божхона қўмитасининг
Божхона институти
“Иқтисодий ва ижтимоий фанлар” кафедраси бошлиғи,
Иқтисод фанлари номзоди, доцент,
божхона хизмати подполковниги

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш билан боғлиқжараёнлар тадқиқ этилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни мамлакат инвестицион фаолият самарадорлига таъсири баҳоланган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари доирасида мавжуд камчиликлар аниқланган.
Калит сўзлар: Ивестицион фаолият, инвестиция салоҳият, инвестицион жозибадорлик, рақобат афзаллиги, инвестицион самарадорлик, инвестицион риск, бозор механизми.
Annotation: The article examines the processes related to attracting foreign investments to the national economy and improving the ways of their effective use. Factors influencing the processes of attracting foreign investments and their effective use were evaluated, and their impact on the effectiveness of the country's investment activities. Existing shortcomings in the ways of attracting foreign investments and their effective use have been identified.
Key words: investment activity, investment potential, investment attractiveness, competitive advantage, investment efficiency, investment risk, market mechanism.

Кириш

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётига киритилган инвестицияларни фойдасиз туриб қолиши ёки инвестициядан самарали фойдаланишда юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражаларини аниқламаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ қувват билан ишлашини чегараланиб қолиши каби муаммоларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятини барқарор ўсишини, глобал рақобатбардошликка эришишини таъминлаш – мамлакатда инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни, улар орасидаги миқдорий боғланишларни аниқлашни тақозо этмоқда.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “...ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, шу жумладан масофавий ишлаш амалиётини кенг жорий қилиш, ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурлари муҳокамасида тегишли ҳудуддан сайланган депутат ва сенаторларнинг иштирокини кучайтириш...”[1].

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон ҳудудларида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўналишлари тадқиқ этиш жараёнлари долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон ҳудудлари ўзининг рангбаранглиги билан ажралиб туради. Шу боис салоҳиятли инвесторга инвестициялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши учун ҳар бир ҳудуднинг инвестицион салоҳияти тўғрисидаги объектив ахборот мавжуд бўлиши лозим. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш тизимини яратиш эса давлатнинг ва ҳудудларнинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

Ҳудуд тушунчаси ҳар доим ҳам давлатнинг ҳудудий бирлигини намоён этмайди. А.И.Добрининнинг фикрига кўра, ҳудуд – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг

яхлитлиги ва алоқадорлигини тавсифловчи мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий жиҳатдан ихтисослаштирилган қисмидир[2].

Иқтисодчи олима Т.М.Смаглюкова инвестицион жозибадорликни белгиловчи барча кўрсаткичлардан комплекс баҳолаш талабларига кўпроқ мувофиқ келадиган кўрсаткичларни ажратиб олади. Унинг фикрича, мазкур кўрсаткичлар инвестицион жараённинг барча томонларини акс эттирувчи инвестицион жозибадорлик омиллари таркибига киритилади. Шаклланган кўрсаткичларнинг йиғиндиси иқтисодий тизим ва инвестициялаш объектлари сифатида ҳудудлар фаолиятининг ташқи ва ички омилларини қамраб олади [3].

Иқтисодчи-олимлардан А.Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: “Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга” [4].

Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи инвестиция муҳитини англатади. “Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади” [5].

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш, уни ҳар томонлама илмий-услубий асосда очиб бериш, энг аввало, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, инновацион, меҳнат салоҳиятини тадқиқ этишни ҳамда ушбу соҳадаги илмий қарашларни таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инвестицион муҳит (иқлим)га боғлиқ экан, инвесторлар ўз қарорларини шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқишади.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир шароитда мамлакат ҳудудларининг халқаро муносабатларда интеграциялашуви, иқтисодий субъект сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этаётгани, ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган омил ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади. Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтита элемент асосида ҳисобланади (ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси,молиявий ресурслар билан таъминланиши, инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси,

худуднинг демографик тавсифи, институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси, худуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси) ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин: инвестиция муҳити жуда яхши бўлган гуруҳлар; инвестиция муҳити ўрта даражада бўлган гуруҳлар; инвестиция муҳити даражаси жуда паст бўлган гуруҳлар. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан билиб олишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари[7]

№	Ҳудудлар	Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминиши	Инвестицион инфратузилма ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг демографик тавсифи	Институтсионал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси	Ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535
2.	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594
3.	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511
4.	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506
5.	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386
6.	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439
7.	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554
8.	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522
9.	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422
10.	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723
11.	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362
12.	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573
13.	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535
14.	Тошкент.ш	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845


Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай инвестицион имкониятларга эга ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий ижтимоий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Бу ҳудудларда бошқа ҳудудларга нисбатан мавжуд инфраструктура ҳолатининг етарли даражада ривожланмаганлиги, табиий иқтисодий, инвестиция муҳитининг аъло даражада эмаслиги мазкур ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозимлигини белгилайди.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Инвестицион муҳитнинг шаклланиш тенденциялари ва уни давлат томонидан тартибга солиш бўйича ҳозирги замон хусусиятлари ёритилиши ҳудудларда интеграциялашувга тизимли ва жараёнли ёндашув нуқтаи назаридан инвестицион жозибадорликни бошқариш механизмининг фаоллаштирилган моделини таклиф этиш имконини берди (1-расм).



1-расм. Ҳудуд инвестицион жозибадорлигини бошқаришнинг ташкилийиқтисодий механизми модели[6]

1-расмда бошқарилувчи тизимости бўғинлар инвестицион иқлимни давлат томонидан тартибга солиш уч даражадаги таркибнинг яхлит фаолияти орқали акс эттирилган. У давлат бошқарувининг иерархик хусусиятига мос келади, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда ҳудудларда инвестицион муҳитга масъул субъектлар (вилоятда инвестицион муҳитни

яхшилаш бўйича кенгаш ва ҳудудни ривожлантириш институтлари) республика даражасидаги махсус органлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий тенденцияси ва кўрсаткичлари ҳамда келгуси йилларга мўлжалланган прогнозларига кўра устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, хориж инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги – ҳудудга сармоянинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир. Ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион фаоллигини сармоянинг кириб келиш интенсивлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин. Мамлакат ҳудуднинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакат ҳудуднинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир.

Ички инвесторларнинг фаоллиги хорижий инвесторлар учун ижобий белги ҳисобланади. Ҳудуднинг очиқлик даражаси, аввалambор, ташқи савдо ҳамда импорт ва экспорт ҳажми билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, ҳудуднинг географик хусусиятлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳам туртки бўлади.

Ҳудудларни инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубиёт ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва ундаги инвестицион фаоллик ўртасидаги объектив ҳолда мавжуд бўлган ўзаро алоқадорликни ҳисобга олади, бу эса, инвестицион иқлимни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда муаммоли нуқта ва кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради. Инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, https://lex.uz/docs/5841063

2.Добрынина А.И., Тарасевича Л.С. Экономическая теория. 4-е изд. – СПб.: 2009. 560-б.

3.Смаглюкова Т.М. Общие подходы к формированию региональной инвестиционной политики // Современные проблемы науки. – 2014. – № 1

4.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.

5.Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007. – 92 б.

6. Ражабов Н.Р. “Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш” 08.00.13 – Менежмент Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати

7. Ўзбекистон Республикаси Инвеститсиялар, саноат ва савдо вазирлиги, https://miit.uz/uz/lists/view/8566